

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2017
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Х.ҚОСИМОВ, Н.ИКРАМОВА

Ядросида Мейер функцияси қатнашган каср тартибли интегродифференциал операторлар композициясининг бир хоссаси ҳақида 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

А.МИРЗАҚУЛОВ, Х.ШЕРМАТОВА, З.МУҚИМОВА

Физика ўқитувчисининг таълимга инновацион ёндашуви 8

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

Д.КОМИЛОВА

Барг ўровчи құнғызлар (Coleoptera: attelabidae)нинг тарқалиши ва қисқача үрганилиш босқичлари 12

М.АҲМАДАЛИЕВ

Дифурфурилиденацитоннинг олигомерланиши.-I. 15

М.ИСМОИЛОВ, Х.ЖҮРӘЕВ

Қовушқоқликни оширувчи құндирмалар олиш 20

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

В.МАХМУДОВ

Кўп йиллик бошоқдош ўсимликларни Ўзбекистон адиrlарида интродукция қилиш 24

М.ҒОЗИЕВ

Беда остига солинган ҳар хил органо-кимёвий моддаларнинг тупроқдаги микробиологик жараёнларга таъсири 27

Ижтимоий-туманинтар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.ҒАФУРОВ, Г.ХАЛМАТЖАНОВА

Қўшилган қийматни қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида шакллантириш хусусиятлари 30

О.ТЎЙЧИЕВА

Тўқимачилик корхоналарида лизинг муносабатларининг ривожланиш тенденциялари 33

Қ.ЮСУПОВ

Сурутанинг бозор иқтисодиётидаги афзаллиги ва самарадорлиги 36

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, И.СИДДИҚОВ

Ўзбекистонда таълим тизимининг тараққиёти ва самарадорлиги..... 40

Б.ТЎЙЧИЕВ, У.НАЗИРОВ

Фуқаролик жамиятига ўтиш шароитида оилавий қадриятларнинг ўрни 45

Н.ПУЛАТОВА

Аҳолининг ижтимоий фаолиятида экологик маданиятни шакллантириш масалалари 49

Ф.ЮЛДАШЕВ

Фалсафада этика фанини ўқитишнинг назарий ва амалий масалалари..... 52

Н.РАҲИМБАБАЕВА

Донишманлар масъулият ҳисси ҳақида 55

М.ЭРГАШЕВА

Совет ҳокимиияти даври (1919-1945 йй.)да архив ҳужжатларини жамлаш 58

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.АБДУРАҲМОНОВ

Қуёш образи ва унинг поэтик функцияси 63

ТИЛШУНОСЛИК

С.ҚУРБОНОВА

Лингвистик воситалар орқали шахс хусусиятларининг намоён бўлишига доир 66

УДК: 370

ФИЗИКА ЎҚИТУВЧИСИННИГ ТАЪЛИМГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВИ

А.Мирзақулов, Х.Шерматова, З.Муқимова

Аннотация

Мақолада педагогик дастурий воситалардан фойдаланиб, виртуал лабораторияларни яратишда таълимнинг инновацион муаммолари ўрганилган.

Аннотация

В статье изучены инновационные проблемы в образовании при создания виртуальных лабораторий, с использованием педагогических программных средств.

Annotation

This article is devoted to learn innovation problems in education to create virtual labs using educational software.

Таянч сўз ва иборалар: виртуал лаборатория, объект ва унинг хусусиятлари, лойиҳа, инновация.

Ключевые слова и выражения: виртуальная лаборатория, объект и его свойства, проектирование, инновация.

Key words and expressions: virtual lab, object and its characteristics, projection, innovation.

Ҳозирги кунда таълим тизимида энг долзарб муаммолардан бири ўкув жараёнини такомиллаштиришда инновацион, ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш ва ўкув жараёнининг самарадорлигини ошириш соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб боришдан иборат [1,2,4].

Мақолада физика ўқитувчисининг физика фанини ўқитиш жараённада ўкувчиларнинг билим самарадорлигини ошириш мақсадида қўллайдиган инновацион ёндашувлар услубиёти баён қилинади.

Физика фани ҳозирги даврга мос келадиган ўқитиш методикасининг энг долзарб муаммоларидан бири ўқитиш қонуниятларини яратишдан иборатdir.

Ўкув жараённада интерфаол, инновацион, педагогик ва ахборот технологияларининг умумий тушунчалари билан чекланиш ўрнига физиканинг ҳар бир мавзусига янги ўқитиш усулини кашф этиш энг долзарб муаммодир. Бу, бевосита дарс жараёнининг ислоҳ қилиниши билан боғлиқдир, яъни, ўкув материалларига инновацион ёндашув асосида ўрганиладиган мавзуни ўкувчилар томонидан ҳақиқий билиш имкониятларига мос келадиган янгича ўқитиш усулини жорий этишдан

иборат бўлади.

Ўкувчиларнинг физик ҳодисаларни чукур ўрганилиши учун инновацион дарсларни, интерактив ўқитиш усулларини таълим технологиялари асосида ташкил этиш билан физика соҳасидаги билимларини ижодий-тадқиқот даражасига кўтариш, мустақил фикрлашни ривожлантиришда эса муаммоли ва дифференциал таълим методикасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Физика дарсларини анъанавий таълим, педагогик дастурий воситалар ва интернет – коммуникацион технологиялар асосида ташкил этиш мумкин.

Анъанавий таълим асосида физика дарсларини ташкил этишда демонстрация ва лаборатория ишларини ўтказиш учун етарли асбоб – ускунага эга бўлган мактабларда амалга ошириш мумкин. Бу соҳада кўплаб методик ишланмалар мавжуд.

Педагогик дастурий воситалар (ПДВ) – компьютер технологиялари ёрдамида ўкув жараёнини қисман ёки тўлиқ автоматлаштириш учун мўлжалланган дидактик восита бўлиб, улар асосида физика дарсларини ташкил этишда Crocodile Physics, “Physics Education Technology” (PhET), Crocodile Technology, Yenka, Phun physics, Beginnings of Electronic,

“Жонли физика-
<http://www.int-edu.ru>” кабилардан фойдаланиш мумкин [1,3,5,6].

А.Мирзақулов – ФарДУ ахборот технологиялари доценти, физика-математика фанлари номзоди.

Х.Шерматова – ФарДУ ахборот технологиялари ўқитувчisi.

З.Муқимова – ФарДУ ахборот технологиялари ўқитувчisi.

кафедраси

кафедраси


кафедраси

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Физика ўқитувчининг инновацион ёндашуви шу билан характерланади, у педагогик дастурий воситалар асосида талабаларнинг интеллектуал ижодий потенциалини ривожлантириш орқали интерфаол ўқув услугига асосланган ҳолда физика ўқув курсини янги шакл ва мазмун ўзгариш босқичига ўтишдан иборатdir.

Crocodile Physics дастури физиканинг механика, электр, оптика, тўлқинлар бўйими бўйича компьютерда демонстрация ва виртуал лабораторияларни ўтказиш учун фойдаланиш мумкин. Виртуал лаборатория - тажрибалар ўтказиш ва физика маъruzаларида демонстрацияларни ташкиллаш, фанни қизиқарли тарзда ўрганиш учун идеал муҳит бўлиб хизмат қилади.

Crocodile Physics дастурида физиканинг ҳар бир мавзуси бўйича демонстрация ва виртуал лаборатория учун лойиҳаланаётган моделнинг (1- расм)



1-расм. Текис харакат лойиҳаси

2- расм. Жисмнинг физик хусусиятлари

Лойиҳага киритилган компонентларга курсор келтирилиб, ўнг тугмача босилса, контекст меню экранда акс этади. Properties хусусиятлар буйруғини танлаш билан мос дарчада акс этган параметрларни ўрнатиш, ўзгаришиш мумкин бўлади.

Crocodile Physics дастурида физиканинг ҳар бир мавзусида

таркибий компонентлари объект сифатида қарашга ўқитувчи катта эътибор бериши керак. Бу ерда объектнинг учта принципига ва хусусиятларга эга бўлган, объектда содир бўладиган ҳодисалар тўлиқ ўз маъносини сақлаб қолгандир. Бундан ташқари жисм қатор физик хусусиятларга ҳам эга. Масалан, механикада жисм объект эканлигидан ташқари қатор физик хусусиятларга: тезлик, тезланиш, кўчиш, таъсир этувчи куч кабиларга эга бўлади (2-расм). Ҳар бир физик хусусиятнинг жисм билан боғланиши керак. Бунинг учун лойиҳага киритилган компонент олдидағи доирачага курсор келтирилиб, сичқончанинг чап тугмачаси босилган ҳолда жисмга тортиб келинади ва курсор компонентга келтирилиб, чап тугмача босилса, физик хусусиятлар рўйхати панелда акс этади. Фойдаланувчи физик жараёнга мос хусусиятлардан бирини танлайди.

демонстрация қилинаётган ва виртуал лаборатория ишларида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашларига, физик ҳодисанинг моҳиятини тушунишга, ижодий фикрлашларини ривожланишига ўқитувчи катта эътибор бериши керак. Масалан, графикдаги $v = \frac{Dx}{Dt}$ формулани қатор

тажрибаларда текшириб кўриши ёки бурчак тангенсини аниқлаб кўриш ўқувчилар учун маълум аҳамиятга эга.

Талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ва билим самарадорлигини ошириш мақсадида

муаммоли вазиятларни ҳал қилиш бўйича ўқитувчи фаол бўлиши керак. Физик муаммони ўқитувчи қўйиши керак. Талабаларни гурухларга ажратиб, мустақил таълимни ташкил этиш намунаси куйидагича:

1. Мақсаднинг қўйилиши	Жисм механик ҳаракатда иштирок этмоқда. Crocodile Physics мухитида физикавий ҳаракат модели яратилсин. Виртуал жараён таҳлил қилинсин. Ўқувчи билан компьютер орасида ўзаро ҳамкорлик фаолияти талаб даражасида бўлиши таъминлансин.																				
2. Муаммонинг шаклланиши	Кўйилган масалани ҳал этиш учун талабаларни бир неча гурухларга ажратиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида топшириклар берилади. 1- Текис ҳаракат қонунларини ўрганиш ва таҳлил қилиш. 2- Текис ўзгарувчан ҳаракат қонунларини ўрганиш ва таҳлил қилиш. 3- Нотекис ҳаракат қонунларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.																				
3. Ахборотларни йиғиш	<p>The screenshot shows a simulation of a car on an incline. The top part of the interface has a force input field set to 1 N and an acceleration value of 0,0022 m·s⁻². Below this is a graph of Displacement (x) in meters over Simulation time in seconds. The graph shows a red curve starting at (0,0) and increasing non-linearly. At the bottom left are control buttons for Start/stop and Reload.</p>																				
4. Ахборотларни йиғиш:	Ўтказилган тажрибалар таҳлили																				
5. Ахборотларни йиғиш:	Физик жараёнлар таҳлили																				
6. Мустақил таълим ҳисоботи	Физик модел яратиш. Объектлар ва уларнинг хусусиятлари. Виртуал лаборатория натижалари, жадвали ва таҳлили. Тақдимотлар яратиш. Гуруҳ доклади. Эксперт холосаси.																				
7. Баҳолаш	<p style="text-align: center;">Бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари</p> <table border="1" style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <thead> <tr> <th>Гурухлар рўйхати</th> <th>Гурух фаол макс. 1 б</th> <th>Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди макс.4 б</th> <th>Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди макс.5 б</th> <th>Жами макс.10 б</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>1.</td> <td></td> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> <tr> <td>2.</td> <td></td> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> <tr> <td>3.</td> <td></td> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> </tbody> </table> <p style="text-align: center;">8-10 балл – аъло 6- 8 балл – яхши 4- 6 балл – қониқарли 0-4 балл – қониқарсиз</p>	Гурухлар рўйхати	Гурух фаол макс. 1 б	Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди макс.4 б	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди макс.5 б	Жами макс.10 б	1.					2.					3.				
Гурухлар рўйхати	Гурух фаол макс. 1 б	Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди макс.4 б	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди макс.5 б	Жами макс.10 б																	
1.																					
2.																					
3.																					

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Crocodile Physics дастури ўқувчиларни изланувчанликка, ижодий фикр юритишга, иш натижаларини таҳлил қилишга ўргатади. Дастур имкониятлари жуда кенг бўлиб, улардан виртуал тажриба ишларини бажаришда кенг фойдаланиш мумкин.

Физика фанининг кинематика бўлимини ўқитишида Crocodile Physics дастуридан фойдаланиш асосида фанни чуқур ўрганиш, таълим тизими самарадорлигини ошириш каби натижаларга эришиш мумкин.

Ўқувчиларнинг кинематика ҳодисаларини чуқур ўрганишлари учун инновацион дарсларни, кейс, интерактив ўқитиши усулларини Crocodile Physics дастуридан фойдаланган ҳолда кинематика мавзусига тааллуқли демонстрациялар ва виртуал лабораторияларни ташкил этиш билан физика соҳасидаги билимларини ижодий-тадқиқот даражасига кўтариш, мустақил фикрлашни ривожлантириш учун муаммоли ва дифференциал таълим методикасини ишлаб чиқишига эришиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Тўрахонов Ф.Б., Ҳамидов В.С. "Симуляторлардан фойдаланган ҳолда физик жараёнларни моделлаштириш". Таълим муассасаларида электрон ахборот-таълим муҳитини шакллантишнинг долзарб масалалари. ЎзМУ. – Т., 2011.
2. Ҳамидов В.С., Тигай О.Э. Физикани ўқитишида симуляторлардан фойдаланиш. Физика ва астрономия муаммолари. Ўқитиши методикаси. Республика илмий ва илмий методик конференция материаллари тўплами, 2010 йил 12–13 март. – Т., 2010.
3. Тўрахонов Ф.Б., Курбонов М., Ҳамидов В.С. Мактабда физикани ўқитишида симуляторлардан фойдаланиш. Журнал "Физика, математика ва информатика", – Т., 2010. №5.
4. Ҳамидов В.С. Interactive physics муҳитида физик жараёнларни моделлаштириш. Таълимда Ахборот-коммуникация технологиялари, III-том. – Т., 2006.
5. <http://www.int-edu.ru>
6. <http://www.yenka.com>

(Тақризчи: К.Онарқулов, физика-математика фанлари доктори).